Yuldosheva G.A.	Socio-economic factors affecting the level of academic performance of students in universities in Uzbekistan.....	329	
Vakhabov A.V., Khujakhanov M.Kh.	Scientific category and socio-economic essence of "Quality of higher education".....	335	
INFORMATION SYSTEMS IN ECONOMICS			
Abdusalilov B.Z.	Specific aspects of competitive management of services and processes information technologies....	342	
TRANSPORT, LOGISTIC AND COMMUNICATION			
Rikhsiboyev N.A.	Theoretical basis of increasing the economic efficiency of the transport-logistics system.....	347	
RECREATION AND TOURISM			
Tukhliev N.	Some principles and characteristics of safety in tourism.....	354	
Samiev S.S.	Ways to expand the sphere of business tourism.....	359	
Turabekov S.Sh.	Forecast indicators of increase in employment of the population on the basis of the development of the sphere of tourism services.....	363	
OVERSEAS EXPERIENCE			
Khoshimov J.R.	The experience of china and singapore in increasing the attractiveness of the investment environment.....	369	
Kurbanov D.R.	International experience of increasing the efficiency of the rational use of water resources.....	373	
SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP			
Abdullayev A.J., Raimova D.D.	Ways of development of priority directions of development of small business and private entrepreneurship in the sphere of road transport.....	381	
AGRICULTURE			
Kholmurotov F.S.	Classification of factors affecting agricultural development in the region.....	386	
MODELING OF ECONOMIC PROCESSES			
Makhmudov S.B.	Econometric analysis of factors affecting the financial activity of enterprises in the logistics system.....	392	
Mamatkulov B.Kh.	Econometric modeling of farm income of the republic of Uzbekistan on the basis of "Probit" and "Logit" models.....	403	
Kasimov A.A.	The role of industry in the economic growth of Uzbekistan: analysis, forecast and development prospects.....	408	
Muminov A.A.	Inflation and unemployment.....	416	
Khamidov S.K.	Prospects for the use of multifactor models in the development and management of tourist destinations.....	421	
SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT			
Shao Junling	Research on the construction of regional economic cooperation mechanism between China and Uzbekistan under the Belt and Road initiative.....	427	
Kholmurodov R.N.	Distinctive features of housing stock management.....	433	
2023 № 2	Turayeva G.K.	The significance of sustainability of grain production in the consumer basket.....	440
STATISTICS			
Ilyosova D.I.	The importance of statistical study of differences in the standard of living of the population.....	445	



**ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАР МЕХНАТ ҚИЛАДИГАН
КОРХОНАЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ
(САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

Рашидов Диловар Нажмиддинович -
Тошкент давлат транспорт университети
катта ўқитувчиси

Умарова Дилфуза Раҳматуллаевна -
Тошкент давлат транспорт университети катта ўқитувчиси

Туйчиев Анваржон Мухторжонович -
Тошкент давлат транспорт университети катта ўқитувчиси

Каримова Зиёда Абдуваситовна -
Тошкент давлат транспорт университети ассистенти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a43

Аннотация. Мақолада Самарқанд вилоятида ногиронлар учун ихтисослаштирилган 13 та корхонанинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилган ишчи комиссияси томонидан ўтказилган ўрганишлар натижалари асосида таҳлил қилиб чиқилган. Тадқиқот давомида бу корхоналарнинг аҳоли, ишлаб чиқариш қувватлари, бино-иншоотлар ва ер майдонларидан қанчалик фойдаланилаётганлиги, меҳнат шaroитлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидорғирлиги каби масалалар чуқур таҳлил қилинган. Таҳлил ва тадқиқот натижаларига асосланиб, вилоятдаги ногиронлар учун ихтисослаштирилган корхоналарнинг фаолиятини яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, маҳсулотларга харидорларни қўпайтириш, меҳнат шaroитларини яхшилаш, ногиронлар учун янги иш ўринларини яратиш каби масалалар юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ногиронлар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналар, корхоналар, ишлаб чиқариш, иш ўринлари, меҳнат шaroитлари, текстиль маҳсулотлари, тўқимачилик маҳсулотлари.

**ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ, НА КОТОРЫХ РАБОТАЮТ
ЛИЦА С ОГРАНИЧЕННЫМИ СПОСОБНОСТЯМИ (НА ПРИМЕРЕ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ)**

Рашидов Диловар Нажмиддинович -
старший преподаватель Ташкентского государственного транспортного университета

Умарова Дилфуза Раҳматуллаевна -
старший преподаватель Ташкентского государственного транспортного университета

Туйчиев Анваржон Мухторжонович -
старший преподаватель Ташкентского государственного транспортного университета

Каримова Зиёда Абдуваситовна -
ассистент Ташкентского государственного транспортного университета

Аннотация. В статье анализируется деятельность 13 специализированных предприятий для инвалидов Самаркандской области по результатам исследований, проведенных рабочей комиссией, сформированной Кабинетом Министров Республики Узбекистан. В ходе исследования были подробно проанализированы такие вопросы, как состояние этих предприятий, производственные мощности, степень использования зданий и сооружений и земельных участков, условия труда, покупательная способность производимой продукции. По результатам анализа и исследования внесены предложения по таким вопросам, как совершенствование деятельности специализированных предприятий для инвалидов в регионе, увеличение объемов производства, увеличение количества потребителей продукции, улучшение условий труда, создание новые рабочие места для инвалидов.

Ключевые слова: инвалиды, предприятия, принадлежащие объединениям инвалидов, предприятия, производство, рабочие места, условия труда, текстильная продукция.

**WAYS TO IMPROVE THE ACTIVITIES OF ENTERPRISES EMPLOYING PERSONS WITH DISABILITIES
(THE EXAMPLE OF SAMARKAND REGION)**

Rashidov Dilovar Najmiddinovich -
senior lecturer, Tashkent state transport university

Umarova Dilfuza Rahmatullayevna,
senior lecturer, Tashkent state transport university

Tuychiev Anvarjon Muhtorjonovich -
senior lecturer, Tashkent state transport university

Karimova Ziyoda Abduvasitovna -
assistant, Tashkent state transport university

Abstract. The article analyzes the activities of 13 specialized enterprises for the disabled in Samarkand region based on the results of research conducted by the working commission formed by the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. In the course of the study, such issues as the condition of these enterprises, production capacity, the degree of use of buildings and facilities and land plots, working conditions, and the purchasing power of the products produced were analyzed in detail. As a result of the analysis and research, proposals have been made on such issues as improving the activities of specialised enterprises for persons with disabilities in the region, increasing the volume of production, increasing the number of consumers of products, improving working conditions, and creating new jobs for persons with disabilities.

Keywords: persons with disabilities, enterprises owned by associations of persons with disabilities, enterprises, production, jobs, working conditions, textile products.

Кириш. Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунига кўра ногиронлар одатдаги ташкилотларда, ногиронлар учун ихтисослаштирилган корхоналарда, яқка тартибдаги ёки бошқа турдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Республикада 800 мингга яқин ногиронлар рўйхатга олинган. Шундан қишлоқ жойларида яшовчи ногиронлар 62 фоизни, аёл ногиронлар улуши эса 42 фоизни ташкил қилади.

Бугунги кунда ногиронларни иш билан таъминлаш, улар учун инклюзив иш ўринларини яратиш, жамиятдаги нотенглик муаммолари долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ногиронлиги бўлган шахсларни корхона, ташкилот ва муассасаларнинг потенциал ходимлари сифатида кўрмаслик, уларга реабилитация ва хайрия ёрдами олиувчилар сифатида қараш ҳолати сақланиб қолган.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш тўғрисида сўз борар экан, аввало, ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи ихтисослаштирилган корхоналар тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз. Афсуски, узоқ йиллар буён ногиронлар учун ихтисослаштирилган корхоналарга масъул раҳбарлар ва ташкилотлар эътибор қаратишмаяпти. Бу корхоналар йиллар давомида таъмирланмаган, бино ва иншоотларининг кўп қисми яроқсиз ҳолга келиб қолган, асбоб-ускуналари ва бошқа меҳнат воситалари давр талабига жавоб бермайди, маънавий эскирган ёки таъмирталаб аҳволга келиб қолган. Корхоналарнинг кўп қисми фаолиятини қисман ёки бутунлай тўхтатган.

Ихтисослаштирилган корхоналарда ишловчи ногиронлиги бўлган шахслар учун лозим бўлган меҳнат шароитлари, шунингдек, уларнинг малакасини оширишлари учун имкониятлар яратилмаган. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортименти узоқ йиллардан буён бир хиллигича қолган, яъни бугунги кунда харидоргир эмас ёки бўлмаса урфдан аллақачон қолган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда жами 156 та ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасаруфидаги корхоналар мавжуд. Бу мақолада эса Самарқанд вилоятидаги шундай корхоналар фаолияти тегишли материаллар асосида таҳлил қилинган.

Самарқанд вилояти бўйича жами 13 та ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасаруфидаги корхоналар мавжуд. Бу корхоналарнинг 8 таси кўзи ожизлар учун мўлжалланган, 5 таси эса ногиронлар жамиятларидир.

Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасаруфидаги корхоналарни соғломлаштириш, иш ўринларини кўпайтириш, самарадорликни ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар-

нинг харидоргирлигини ошириш мақсадида юқоридаги корхоналарнинг фаолияти ўрганилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар учун иш ўринларини захирага қўйиш масалалари бўйича россиялик олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган, иш берувчилар мажбуриятларини бажаришда юзага келаётган муаммолар ўрганилган ва қонунчилик бўйича бир қанча таклифлар ишлаб чиқилган. Арбузнинг фикрича, ногиронларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш лозим. Олим ногиронларни иш билан таъминлашдаги янги йўналишларни ўрганиб чиққан. Арбуз тадқиқот жараёнида саноатлаштириш шароитида ногиронларни иш билан таъминлаш жараёнини ўрганган, меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги ногиронларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этаётган иш берувчиларнинг мотивларини аниқлаган [1].

Японияда ногирон шахсларни иш билан таъминлашнинг ҳозирги тенденциялари олимлар Филатов ҳамда Дронишинец томонидан атрофлича ўрганилган. Ногиронлиги бор шахсларнинг ҳаёти ва меҳнатини тартибга солишчи Япония қонунчилиги ўрганилган. Шунингдек, улар томонидан ногиронлиги бўлган ҳамда руҳий носоғлом шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш масалари таҳлил қилинган [2].

Тринадцатко Россияда “COVID-19” пандемиясидан аввалги ҳамда пандемия давридаги ногиронларнинг бандлиги аҳволини таҳлил қилган. Олимнинг таъкидлашича, ногиронлик ижтимоий ҳодиса сифатида жамият томонидан ўз фуқароларига нисбатан шаклланган жисмоний ва ижтимоий тўсиқларнинг оқибати бўлиб, улар жамиятда қабул қилинган оддий инсон меъёрларига мос келмайди. Олим ногиронларнинг меҳнатга жалб этилишига кўмаклашиш, уларнинг муваффақиятли ижтимоий мослашуви ва интеграциялашуви шартли сифатида давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланишини таъкидлайди [3].

Яна бир тадқиқотчи олим Радченко: “Ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотлар портали ҳукумат томонидан доимий янгиланиб, улар ҳақидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги таъминланиб борилмоғи лозим”, – деб таъкидлайди. Шундагина ушбу қатламни иш билан таъминлашда шаффофликка эришиш мумкин, деб ҳисоблайди [4].

Британиялик олим Саинсбери ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлашда 8 гуруҳдан иборат муаммолар ечимини таклиф этган. Булар: иқтисодиёт, ногиронлиги мавжуд шахслар билан ишловчи ходимлар, муносабат, қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари, миллий

сийёсатнинг роли, тажриба, имкониятлар манзилнинг тақчиллиги, технологиялар [5].

Австралиялик олим Г.Талепорос ўз тадқиқотида ногиронлиги мавжуд шахслар учун иш ўринлари ташкил қилган корхоналарга моддий компенсация тўлаш таклифини киритган ҳамда бугунги кунда “Employment Assistance Fund” томонидан бу амалиёт қўлланиб келинмоқда [6].

Мазкур йўналишда ўзбек олимларидан и.ф.д., профессор Б.Умурзаков ногиронлиги бўлган шахсларни кафолатланган ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш масалаларини ўрганган. Ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда пенсия таъминотини такомиллаштириш йўналишларида тадқиқот олиб борган.

Тадқиқот методикаси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилган ишчи комиссияси томонидан Самарқанд вилоятида жойлашган жами 13 та ногиронлиги

бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналар фаолияти атрофлича ўрганилган.

Тадқиқотнинг асосий мақсади юқоридаги ўрганишлар материалларини таҳлил қилиш асосида кўрсатиб ўтилган корхоналарни соғломлаштириш, уларнинг даромадини кўпайтириш, ногиронлар учун иш ўринларини кўпайтириш ҳамда бу йўналишда дастурлар ва чоратадбирлар ишлаб чиқишда таклиф ва тавсиялар тайёрлашдан иборат.

Таҳлили ва натижалар. Таҳлиллар натижасига кўра, Самарқанд вилоятидаги 13 та ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналарда жами 94 нафар шахс ишлайди, бу рақамнинг 70 фоизини, яъни 66 нафарини ногиронлар ташкил қилади.

Ўрганиш натижалари бу корхоналарнинг катта қисми, яъни салкам 93 %и ёки 12 таси тўқувчилик ва текстиль маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашганлигини кўрсатмоқда.

1-жадвал

**Самарқанд вилоятидаги ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналарнинг фаолият турлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Тўқувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Текстиль ва тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Чорвачилик ва деҳқон хўжалиги	Текстиль маҳсулотлари, гилам тўқиш	Жами:
10	1	1	1	13

Манба: муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.

Таҳлиллар натижаларига биноан вилоятдаги деярли барча ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларида бир-бирига ўхшаш бўлган камчиликлар ва етишмовчиликлар кўзга ташланади. Буларга мисол қилиб қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги бино ва иншоотлардан таъмирталаблиги сабабли тўлиқ фойдаланилмапти;

- барча корхоналар ўзларига тегишли бўлган ер ресурсларининг бор-йўғи 10-15 фоизидангина фойдаланилмоқда, мисол учун Самарқанд шаҳрида жойлашган “Улуғбек” ўқув ишлаб чиқариш корхонасида бинолар ҳудудида жойлашган 728000 м², “Самарқанд” ўқув ишлаб чиқариш корхонасида эса 1795,59 м² ер майдонидан фойдаланилмасдан келинмоқда;

- корхоналарнинг аксарияти 2006-2009 йилларда фойдаланишга топширилганлигига қарамасдан, бугунги кунгача жорий ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмаган;

- корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни тўғридан-тўғри сотиш имконияти мавжуд эмас;

- корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган талаб жуда паст;

- корхоналарнинг кўпчилиги фаолиятини қисман тўхтатган, айримлари эса фаолиятини вақтинча тўлиқ тўхтатган.

Ўрганишлар ва ҳисоб-китоблар натижасига кўра, вилоятдаги юқорида айтиб ўтилган 13 та корхона соғломлаштириш, яъни биноларни жорий ва капитал таъмирлаш, асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва янгиларини сотиб олиш, шунингдек, мавжуд қарздорликни тугатиш учун жами 20902,6 млн. сўм миқдорда маблағ лозим бўлади. Бунинг натижасида ногиронлар учун қўшимча 800-1000 та янги иш ўринлари яратилишига имконият яратилади.

Юқорида келтириб ўтилганидек, Самарқанд вилоятидаги 13 та ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналарда жами 94 нафар шахс, шу жумладан, 66 нафар ногирон ишлайди. Тадқиқот натижасида корхоналарнинг кадрлар салоҳияти жуда пастлиги маълум бўлди.

Самарқанд вилоятидаги фаолиятини вақтинча тўхтатган ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Корхона номи	Корхонанинг манзили	Ишчилар сони	Фаолиятини вақтинча тўхтатганлигининг сабаби
“Акбарали-Зебо” унитар корхонаси	Ургут тумани, Бешкаппа маҳалласи	6	Молиявий имкониятнинг йўқлиги
“Жума тола Ш.Ш.П.” ўқув ишлаб чиқариш корхонаси	Пастдарғом тумани, Қоровултепа м.ф.й.	5	Пахта хомашёсини эркин биржа нархида харид қилиш ва ишланган маҳсулотини бозорда сота олмаслиги


Манба: муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.

Бунга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

- ишчиларнинг билим савияси етарли даражада эмас;
- ишчилар давр талабига жавоб берадиган кўникмаларга эга эмас;
- корхоналарда ишловчиларнинг деярли ҳаммаси фақатгина ўрта ёки ўрта махсус даражасидаги дипломга эга;

➢ кадрларнинг малакасини ошириб бориш, уларни турли курсларга юбориш ишлари ўз аҳволига ташлаб қўйилган;

➢ корхоналардаги ишчилар, асосан, жуда оддий ва бир хил турдаги ишларни бажариб келаётганликлари.



1-расм. Вилоятдаги ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, уларни модернизациялаш, ногиронлар учун иш ўринларини кўпайтириш учун талаб этиладиган маблағлар

Манба: муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, ўрганилаётган корхоналарнинг нафақат ишлаб чиқариш воситалари, балки меҳнат ресурслари ҳам давр талабига жавоб бермайди. Бу жуда ачинарли ҳолат, албатта.

Ишчиларнинг меҳнат шароитлари ҳам ҳавас қилгулик даражада эмас. Ишчиларнинг дам олишлари, овқатланишлари учун етарлича шароит яратилмаган. Узоқдан қатнаб ишлайдиганлар учун махсус рейслар ҳамда ётоқхоналар ташкил қилинмаган. Шунингдек, корхоналарда меҳнат хавфсизлиги чоралари тўлиқ кўрил-

маган.

Хулоса ва таклифлар. Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, уларни модернизация қилиш, иш шароитларини яхшилаш, даромад миқдорини кўпайтириш ва ногиронлар учун янги иш ўринларини яратиш учун қуйидагилар таклиф этилади:

➢ ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига қарашли корхоналар учун зарур бўлган хомашёларни квоталар асосида биржа танлов-

ларисиз, давлат прејскурант нархларда тўғридан-тўғри шартномалар орқали сотиш;

➤ тегишли вазирлик ва идораларнинг вилоятдаги ҳудудий бошқармаларига улар томонидан сотиб олинган йиллик тўқимачилик маҳсулотлари ва товарларининг 50 %ини вилоятдаги ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига қарашли корхоналардан сотиб олишни тавсия этиш;

➤ “Жума тола Ш.Ш.П.” ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг (пахта хомашёсини қайта ишлашга ихтисослашган) фаолиятини бошқа талаб кўпроқ бўлган ишлаб чиқариш турига ўзгартириш ва корхонани хусусий шерикчилик шартлари асосида фаолиятини жорий қилиш;

➤ ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига қарашли корхоналарнинг буюртмаларига асосан ҳудудлардаги “Ишга марҳамат” моно-

марказлари ва касб-ҳунарга ўқитиш марказларида ногиронларни талаб этиладиган касбларга бепул ўқитиб беришни ташкил қилиш;

➤ “Каттакўрғон” ўқув ишлаб чиқариш корхонаси (текстиль маҳсулотлари ва гилам тўқишга ихтисослашган) томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга талаб юқори эмаслигини инобатга олиб, корхонанинг фаолият турини картон идишлар ва қоп ишлаб чиқаришга ўзгартириш;

➤ “Феруза Парвона” шубба корхонасида ўзининг савдо дўкони мавжуд эмаслиги ҳамда ҳудудининг кичиклиги сабабли корхона фаолияти самарадорлигини ошириш учун алоҳида савдо дўкони очиш, корхонани кенгайтириш учун алоҳида ер ва бино ажратиш учун ҳокимликнинг тегишли қарорини қабул қилиш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Арбуз А.В. Новые подходы к трудоустройству лиц с ограниченными возможностями здоровья. // Журнал Региональная экономика. / Arbutz A.V. (2018) “New Approaches to the Employment of Persons with Disabilities”. Magazine. Regional economy.

2. Дронишинец Н. ва Филатова И. “Современные тенденции в трудоустройстве лиц с ограниченными возможностями в Японии» ГСНТИ. / Dronishinets N., Filatova I. (2005) “Modern Trends in the Employment of Persons with Disabilities in Japan” GSNTI.

3. Тринадцатко А.А. Состояние занятости инвалидов в России в препандемический и пандемический периоды. // Социодинамика. № 3. С. 23-47. / 419 www.economyjournal.uz Thirnadtsatko A.A. (2021) “The state of employment of disabled people in Russia in the pre-pandemic and pandemic periods”, Sociodynamics. No. 3. P. 23-47.

4. Радченко О.Е., Зиновьева В.И. Влияние социального знания на формирование толерантности в отношении инвалидов. // Вестник Томского государственного университета. 2021. № 4 (16). С. 141-143. Radchenko O.E., Zinov'eva V.I. (2021). Vliianie sotsial'nogo znaniia na formirovanie tolerantnosti v otnoshenii invalidov (Impact of social knowledge on formation of tolerance towards people with disabilities). Vestnik Tomskogo gosudarstvennogo universiteta (Tomsk State University Journal). No. 4 (16), 141-143.

5. Sainsbury R. Labour market participation of persons with disabilities – how can Europe close the disability employment gap? // The Right to Work of Persons with Disabilities – International Perspectives University of Kassel, 8-10 March 2017. URL: http://www.the-right-to-work.com/files/2017/plenum/Tag2/Sainsbury09_03_2017_Kassel.pdf

6. Taleporos G. Employment and Disability: a complex problem with no simple solution. // Ramp Up. Disability. Discussion. Debate. URL: <http://www.abc.net.au/rampup/articles/2014/01/13/3922428.htm>.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 майда 31-63-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги низом. / Regulation (2019) “On the procedure for allocating subsidies and grants from the State Fund for Employment Promotion of the Republic of Uzbekistan”, registered by the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on May 31, 2019, No. 3-63.

8. Рашидов Д. Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналар фаолиятини такомиллаштириш имкониятлари. 2022. Scienceweb academic papers collection.

9. Зиёдулла Р. ZR Решение проблемы на рынке пассажироперевозки через маркетинговые коммуникации. Архив научных исследований, 2020, 1 (21). Извлечено от: <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/2110>

10. Рашидов Д. Transport korxonalarini uchun nogironlar tomonidan ishlab chiqarilayotgan maxsus kiyimlar va boshqa mahsulotlar xaridini ko'paytirish orqali nogironlar mehnatini rag'batlantirish. 2022. Scienceweb academic papers collection.

11. Tuychiev A. Public-private partnership in the transport system of Undp. American journal of economic and business management, 2021, (4), 1-6.

12. Рашидов Д. Ijtimoiy ehtiyojmand toifaga mansub shaxslarni transport korxonalarida ishga joylashtirish uchun ish o'rinlarini zaxiralash. 2022. Scienceweb academic papers collection.

13. Raxmatov Z.N. & Sindorov B.X. Bozor iqtisodiyoti sharoitida ijtimoiy marketing – korxonona muvaffaqiyatining muhim omili sifatida. Трансформация моделей корпоративного управления в условиях цифровой экономики, 2022, 1 (1), 19-21. doi: 10.24412/cl-36899-2022-1-19-21.

14. Odilov A K., Umarova D.R. & Ulmasova L.O. 4-sanoat inqilobi davrida inson resurslari menejmentining roli va uning kelajakdagi istiqbollari. Трансформация моделей корпоративного управления в условиях цифровой экономики, 1 (1), 5-9. doi: 10.24412/cl-36899-2022-1-5-9

15. Tuychiyev A.M. Public-Private Partnership: Status, Problem and Prospects. European journal of innovation in nonformal education. 2022, 2 (6), 95-98.